

XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ

Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳияти жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакат миллий иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширилмоқда, бу эса унинг тез ривожланиши, янги иш ўринларини яратиш, даромадларни ошириш, ахоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, шунингдек, инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган.

2019 йил январь–сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони 6055,3 минг кишини ташкил этган¹⁾.

2018-2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари




2019 йил январь-сентябрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 9771,2 минг кишини ташкил этди¹⁾.

¹⁾ Республикага келган ва кетганларнинг умумий сонида бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади

2019 йил январь–сентябрь ойларида МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 5586,0 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 92,3 %ни ташкил этади, узоқ хорижий давлатлардан эса 469,3 минг киши (ёки 7,7 %) ташриф буюрган.

2019 йил январь–сентябрь ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 9307,4 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,3 % ташкил этади, узоқ хорижий давлатларга эса 463,8 минг киши (ёки 4,7 %) ташриф буюрган.

2018-2019 йил январь–сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони динамикаси, минг киши



Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг таҳлилидан кўринадики, 2019 йил январь-сентябрь ойларида 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 1388,8 минг нафар кўп чет эл фуқаролари ташриф буюрган. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, 2018 йил январь-сентябрь ойларида 10812,0 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йил январь-сентябрь ойларида 9771,2 минг нафарни ташкил этди.

Республиканинг сайёхлик салоҳиятини ривожлантириш ва янада қўпроқ меҳмонларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2019 йилдан бошлаб бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди:



Ўзбекистон Республикасининг
2019 йил 18 июлдаги
ЎРҚ-549-сонли «[Туризм](#)
[тўғрисида](#)»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2019 йил 8 майдаги
ПҚ-4311-сонли «[Самарқанд](#)
[шахрида «Россия давлат](#)
[жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва](#)
[туризм университети» федерал](#)
[давлат бюджети олий таълим](#)
[муассасасининг филиалини](#)
[ташкил этиш тўғрисида](#)»ги Қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
2019 йил 13 августдаги
669-сонли «[Ички ишлар](#)
[органларининг хавфсиз туризмни](#)
[тъминлаш бўлинмалари](#)
[томонидан шартнома асосида](#)
[пулли хизматлар кўрсатиш](#)
[тартибини белгилаш тўғрисида](#)»ги
Қарори

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил
13 августдаги ПФ-5781-сонли
«[Ўзбекистон Республикасида](#)
[туризм соҳасини янада](#)
[ривожлантириш чора-тадбирлари](#)
[тўғрисида](#)»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 21 сентябрдаги
793-сонли «[Йўлбўйи ва туристик](#)
[инфраузилмани янада](#)
[ривожлантириш чора-тадбирлари](#)
[тўғрисида](#)»ги Қарори

**2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган
чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг жинси бўйича сони**

Кириб келган чет эл фуқаролари жинси бўйича	Кетган Ўзбекистон фуқаролари жинси бўйича
--	--



2019 йил январь–сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 54,1 % (3273,1 минг киши) эркаклар, 45,9 % (2782,2 минг киши) аёлларни ташкил этади.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига
келган чет эл фуқароларининг сони, минг киши**

	Жами:	Сафар мақсадлари:									
		Хизмат юзасидан	Ўқиши	инш	саёхлик	кариндошларни йўқлаш	даволаниш	доимий яшаш жойи	тижорат	транзит	бошқа
Жами:	6055,3	38,5	18,2	40,8	725,3	4074,9	43,8	40,5	37,8	635,1	400,3
МДХ давлат- лардан	5586,0	17,0	17,0	23,9	452,0	4026,6	43,7	36,3	9,3	623,8	336,4
Бошқа хорижий давлат- лардан	469,3	21,5	1,2	16,9	273,3	48,3	0,09	4,2	28,5	11,3	64,0

Шу билан бирга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 58,9 % (5756,3 минг киши) эркаклар, 41,1 % (4014,9 минг киши) аёллар ташкил этади.

МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига 5586,0 минг киши ташриф буюрган бўлиб, уларнинг 4026,6 минг нафари қариндошларни йўқлаш мақсадида, 623,8 минг нафари транзит орқали, 452,1 минг нафари сайёхлик мақсадида ташриф буюрган.

Узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига 469,3 минг киши ташриф буюрган. Улардан 273,3 минг нафари сайёхлик мақсадида, 48,3 минг нафари қариндошларни йўқлаш мақсадида, 21,5 минг нафари хизмат мақсадларида ташриф буюрган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида МДХ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасидан 1881,0 минг киши (барча ташриф буюрганларнинг 31,1 %), Тожикистондан 1698,9 минг киши (28,1 %), Қирғизистондан 1086,8 минг киши (17,9 %), Россиядан 463,5 минг киши (7,7 %), Туркманистондан 412,0 минг киши (6,8 %) ва Белорусдан 14,5 минг киши (0,2 %) ташриф буюрган.



2019 йил январь-сентябрь ойларида яқин хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари



Қозоғистон

1881,0 минг киши

31,1 %



Тожикистон

1698,6 минг киши

28,1 %



Қирғизистон

1086,8 минг киши

17,9 %



Россия

463,5 минг киши

7,7 %



Туркманистон

412,0 минг киши

6,8 %



Беларус

14,5 минг киши

0,2 %



Украина

14,0 минг киши

0,2 %



Озарбайжон


9,9 минг киши

0,2 %


2019 йил январь-сентябрь ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони

Узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Туркиядан 78,7 минг киши (1,3 %), Хитойдан 45,5 минг киши (0,8 %), Жанубий Кореядан 32,0 минг киши (0,5 %), Хиндишондан 26,0 минг киши (0,4 %), Германиядан 23,5 минг киши (0,4 %), Япониядан 18,8 минг киши (0,3 %), Франция, Италия ва Истроил давлатларидан мос равища 17,2, 16,9 ва 11,5 минг киши ташриф буюрган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, %



2019 йил январь-сентябрь ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, минг киши




2019 йил январь-сентябрь ойларида яқин чет давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми, яъни 43,5 % Қозоғистон Республикасига (4246,4 минг киши), 28,7 % Қирғизистон Республикасига (2799,9 минг киши), 10,8 % Россияга (1050,7 минг киши), 11,5 % Тожикистонга (1119,0 минг киши), Беларус ва Озарбайжонга мосравища 70,1, 11,1 ва 10,2 минг киши ташриф буюрган.


2019 йил январь-сентябрь ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, %



2019 йил январь-сентябрь ойларида МДХ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши




**2019 йил январь-сентябрь ойларида узоқ хорижий давлатларга кетган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, минг киши**



Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми Туркияга (168,4 минг киши), Жанубий Кореяга (64,2 минг киши), БААга (45,6 минг киши), Саудия Арабистонига (33,6 минг киши), Хитойга (25,9 минг киши), Ҳиндистонга (20,5 минг киши) ва АҚШ (19,1 минг киши) давлатларига ташриф буюрган.


Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу қариндошларни йўқлаш (67,3 %). Кейинги ўринларда сайёхлик мақсадида - 12,0 %, транзит - 10,5 %, даволаниш мақсадида - 0,7 %, ишлаш мақсадида - 0,7 %, доимий яшаш мақсадида 0,7 %, хизмат юзасидан - 0,6 %, тижорат мақсадида - 0,6 %, ўқиш - 0,3 % ва бошқа мақсадларда - 6,6 %.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган
чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши, %**



2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 18,2 минг нафари (улардан 40,8 % эркаклар, 59,2 % аёллар) ўқиши мақсадида, 40,8 минг нафари (75,1 % эркаклар, 24,9 % аёллар) ишлаши мақсадида, 38,5 минг нафари (82,0 % эркаклар, 18,0 % аёллар) хизмат юзасидан, 43,8 минг нафари (43,3 % эркаклар, 56,7 % аёллар) даволаниш мақсадида, 725,3 минг нафари (48,6 % эркаклар, 51,4 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 4074,9 минг нафари (46,8 % эркаклар, 53,2 % аёллар) қариндошларни йўқлаши мақсадида келган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида келган чет эл фуқароларининг жинси ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши, %




2019 йил январь-сентябрь ойларида келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши


2019 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 52,1 % - 31-55 ёшлилар, 21,0 % - 19-30 ёшлилар, 17,9 % - 56 ёш ва ундан катталар, 9,0 % - 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Даволаниш мақсадида ташриф буюрган чет эл фуқароларининг 50,7 % - 31-55 ёшлилар, 21,5 % - 19-30 ёшлилар, 19,3 % - 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Қариндошларни йўқлаш мақсадида ташриф буюрганларнинг 50,9 % - 31-55 ёшлилар, 19,0 % - 19-30 ёшлилар, 19,9 % - 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Сайёхлик мақсадларида ташриф буюрганларнинг 51,2 % 31-55 ёшлилар, 20,5 % - 19-30 ёшлилар, 22,2 % - 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида келган чет эл фуқароларининг
ёши бўйича тақсимланиши, %**




**2019 йил январь-сентябрь ойларида хизмат сафари мақсадида келган
чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, минг киши**



2019 йил январь-сентябрь ойларида сайёхлик мақсадида келган 18 ёшгача бўлган чет эл фуқароларининг 22,5 минг нафари эркаклар ва 21,7 минг нафари аёллар, 19-30 ёшлиларнинг 75,9 минг нафари эркаклар ва 73,0 минг нафари аёллар, 31-55 ёшлиларнинг 186,8 минг нафари эркаклар ва 184,4 минг нафари аёллар, 56 ёш ва ундан катталарнинг 67,5 минг нафари эркаклар ва 93,6 минг нафари аёллардан иборат.

2019 йил январь-сентябрь ойларида сайёхлик мақсадида келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, минг киши



2019 йил январь–сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан 9307,4 минг нафар киши МДХ давлатларига ташриф буюрган бўлиб, уларнинг 5527,6 минг нафари қариндошларни йўқлаш мақсадида, 2710,0 минг нафари ишлаш мақсадида, 183,5 минг нафари сайёхлик мақсадида ташриф буюрган.

Узоқ хорижий давлатларга эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан 463,9 минг киши ташриф буюрган бўлиб, улардан 288,8 минг нафари сайёхлик мақсадида, 63,8 минг нафари ишлаш мақсадида ташриф буюрган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида сафар мақсадлари бўйича кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, минг киши

	Жами:	Сафар мақсадлари:									
		Хизмат юзасидан	Ўқини	Иш	Сайёхлик	Қариндошларни йўқлаш	Даволанини	Доимий яшаш жойи	Транзит	Бошкада	
Жами:	9771,2	68,9	66,0	2773,7	472,4	5557,9	30,1	285,5	53,1	463,6	
МДХ давлатларга	9307,4	63,4	53,5	2710,0	183,5	5527,6	24,4	281,8	52,8	410,4	
Бошкада хорижий давлатларга	463,9	5,5	12,5	63,8	288,8	30,3	5,7	3,7	0,3	53,3	


2019 йил январь-сентябрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 56,9 % қариндошларни йўқлаш мақсадида, 28,4 % ишлаш мақсадида, 2,9 % доимий яшаш мақсадида, 4,8 % сайёхлик мақсадида, 0,7 % хизмат юзасидан, 0,7 % ўқиш мақсадида, 0,5 % транзит, 0,3 % даволаниш мақсадида ва 4,7 % бошқа мақсадларда кетган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 68,9 минг нафари (улардан 90,6 % эркаклар, 9,4 % аёллар) хизмат юзасидан, 66,0 минг нафари (62,6 % эркаклар, 37,4 % аёллар) ўқиш мақсадида, 472,4 минг нафари (51,7 % эркаклар, 48,3 % аёллар) сайёхлик мақсадида, 2773,7 минг нафари (77,2 % эркаклар, 22,8 % аёллар) ишлаш мақсадида, 5557,9 минг нафари (48,0 % эркаклар, 52,0 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида, 30,1 минг нафари (44,4 % эркаклар, 55,6 % аёллар) даволаниш мақсадида кетган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши




**Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
жинси бўйича тақсимланиши %**



**2019 йил январь-сентябрь ойларида кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши**

2019 йил январь-сентябрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкин, уларнинг 52,2 % - 31 – 55 ёшлилар, 29,9 % - 19 – 30 ёшлилар ва 12,3 % - 56 ёш ва ундан катталар, 5,6 % - 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

2019 йил январь-сентябрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, %



Сайёхлик мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 50,6 % - 31-55 ёшлилар, 20,3 % - 19-30 ёшлилар, 19,6 % - 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Ўкиш мақсадида кетганларнинг 77,5 % - 19-30 ёшлилар, 16,4 % - 18 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади. Хизмат мақсадларида ташриф буюрганларнинг 69,6 % 31-55 ёшлилар, 18,4 % 19-30 ёшлилар ташкил этади.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Кирувчи туризм кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёхлик сафари вақтидаги ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

Чиқувчи туризм кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқаридаги чиқувчи ёки ички сайёхлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориши - бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларнига ташриф буюриш; тўйларга, дағн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оиласидан тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришлаш ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

Таълим ва қасбий тайёргарлик - бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар/шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиши, тилларни ўрганиш, қасбий ёки бошқа маҳсус курслар, илмий таътилларни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари - бу тоифага, касалланишдан кейинги қўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар ва янада умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз, спа- ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни қўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа факат қисқа муддатли даволанишни ўз ичига олади, чунки, даволаш муассасасида бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ётиб узоқ муддат даволаниш сайёхлик соҳасига кирмайди.

Транзит - бу тоифага, бирор-бир аниқ мақсадни кўзламасдан, бошқа белгиланган жойга бориши йўлининг давоми бўлган қандайдир жойда тўхташ киради. Ташриф буюрувчилар тоифаси қамрови орасидан фақат хуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кирмайдиган ҳамда хуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кириб, кечасига қолмайдиган ташриф буюрувчилар чиқариб ташланади. Транзит йўловчилар орасидан қамровга фақат ҳеч бўлмаганда бир кечага қоладиган шахслар киритилади:

Ишга доир ва қасбий мақсадлар - ушбу тоифага, мустақил равища банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.